

БУХОРО ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ
ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ
А Ж Р И М И

2024 йил июнь ойининг 28 куни, Бухоро вилоят суди
жиноят ишлари бўйича кассация инстанцияси судлов ҳайъати,
ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Н.Жураев,

Ҳайъат судьялари: Ш.Тўхтаев ва С.Ҳамроқуловдан иборат
таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Рузиевнинг котиблигида,
тарафлардан давлат айбловчиси - Бухоро вилоят
прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш
бўлими прокурори Ҳ.Абдиев, судланувчи У.Махмудова ва
унинг ҳимоячиси - адвокат А.Шамсиевнинг иштирокида,
жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2017 йил 20
февраль кундаги ҳукмига нисбатан судланувчи У.Махмудова
томонидан келтирилган шикоят асосида ишни кассация
тартибида кўриб чиқиб, қуйдагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2017
йил

20 февралдаги ҳукмига кўра;

1977 йил 3 октябрь куни Бухоро шаҳрида туғилган, миллати
ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-
махсус, оиласидан ажрашган, 1 нафар фарзанди бор,
2-гуруҳ ногирони, муқаддам жиноят ишлари бўйича Бухоро
шаҳар судининг 2014 йил

6 ноябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-
моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
2013 йил 12 декабрь кундаги “Ўзбекистон Республикаси
Конститутцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир
йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги
Қарорининг 6-бандига асосан жиноят иши кўзғатишдан рад
қилинган, вақтинча ишсиз, Бухоро шаҳар Алпомиш кўчаси 5Б-
уй,

5-хонадонда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш
ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулоса ва
ҳукм нусхасини олган



Махмудова Умида Ашуровна Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари, 6.512.000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи Махмудова Умида Ашуровна алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани кўлга киритиб, такроран фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Жумладан, у ўзганинг мулкани кўлга киритиб моддий манфаатдор бўлиш мақсадида «Кашпировский ва джуна биоэнергетика мактаби»да ўқиганлиги тўғрисида овоза тарқатиб, ўзи истиқомат қилиб келаётган Бухоро шаҳри "Алпомиш" кўчаси 5Б-уй 5-хонасида 2015 йил декабрь ойларида Шофиркон тумани "Мирзокул" аҳоли пунктида яшовчи Хайитова Мўтабар Султоновнанинг ўзи ва оила аъзоларига "қора кучлар" томонидан таъсир ўтказиб келинаётганлиги учун уни "илоҳий ҳимоясига олиши"ни айтиб, ишончига кириб, ўзи томонидан ўйлаб топилган илм билан изоҳланмайдиган «тумор билан даволаш ва ҳимояга олиш, сув билан даволаш, илоҳий нур таъсирида даъволаш, баъзи бир жиҳозлар ёрдамида ҳаётга хавф солувчи инс-жинс, зиёнларни бартараф этиш, танани ҳар-хил иллатлардан поклаш ва танани тиклаш ва даволаш» каби усулларни қўллаш орқали уни самарасиз даволаб, ўз имкониятларини ошириб кўрсатиш орқали динга хос бўлмаган амаллар ва «муолажа»лари давомида 1100 АҚШ доллари (3.260.433 сўм) ва 670.000 сўм нақд пулини, баҳоси 12.000.000 сўмлик бриллиант кўзли ромбик шаклидаги комплект тилло тақинчоқларини, 2.600.000 сўмлик "янтар кўз кулонли" тилло занжирини, баҳоси 300.000 сўмлик 1 бош қўйни, ҳар бирининг баҳоси 160.000 сўмдан 320.000 сўмга 2 дона "ваза" ни, ҳар бирининг баҳоси 5000 сўмдан умумий 100.000 сўмга 20 дона "лампочка"ни, баҳоси 36.000 сўмлик қулфни, ҳар бирининг баҳоси 10.000 сўмдан 20.000 сўмга 2 дона челакни, баҳоси 40.000 сўмлик сирли тоғорани, баҳоси 250.000 сўмлик чемоданни, ҳар бирининг баҳоси 3500 сўмдан 28.000 сўмга 8 дона тарелкаларни, баҳоси 30.000 сўмлик чойнакни, ҳар бирини баҳоси 3000 сўмдан 6000 сўмга 2 дона пахта гулли косани ва 1.500.000 сўмга озик-овкат маҳсулотлари харид қилдириб олганидан ташқари ўзининг савдо дўконларидан бўлган қарзларини қоплашга сарфлаб, ўзига билдирилган ишончни суиистеъмол қилиб,



жабрланувчига жами 20.260.433 сўмлик анча миқдорда моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

У.Махмудова жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ўзганинг мулкини қўлга киритиб моддий манфаатдор булиш мақсадида «Кашпировский ва джуна биоэнергетика мактаби»да ўқиганлиги тўғрисида овоза тарқатиб, ўзи истиқомат қилиб келаётган Бухоро шаҳри "Алпомиш" кўчаси 5Б-уй 5-хонасида 2015 йил октябрь ойидан 2016 йил июнь ойига қадар булган даврда Бухоро тумани Гала Осие шаҳри "Пахтакор" кучаси 10-уйда яшовчи Хайитова Санобар Султоновнанинг ўзи ва оила абзоларига "қора кучлар" томонидан таъсир ўтказиб келинаётганлиги учун уни "илохий ҳимоясига олиши"ни айтиб ишончига кириб, ўзи томонидан ўйлаб топилган илм билан изоҳланмайдиган «тумор билан даволаш ва ҳимояга олиш, сув билан даволаш, илохий нур таъсирида даволаш, баъзи бир жиҳозлар ёрдамида ҳаётга хавф солувчи инс-жинс, зиёнларни бартараф этиш, танани хар-хил иллатлардан поклаш ва танани тиклаш ва даволаш» каби усуларни қўллаш орқали уни самарасиз даволаб, ўз имкониятларини ошириб кўрсатиш орқали динга хос бўлмаган амаллар ва «муолажа»лари давомида ҳар бирининг баҳоси 3000 сўмдан 12.000 сўмга 4 дона тарелкаларни, ҳар бирининг баҳоси

6000 сўмдан 12.000 сўмга 2 дона косани, баҳоси 15.000 сўмлик қулфни, ҳар бирининг баҳоси 5000 сўмдан 30.000 сўмлик "лампочкалар" ни, ўзининг эҳтиёжлари учун 3.000.000 сўмга озиқ-овқат, мева-сабзавот махсулотлари олдирганидан ташқари 431.000 сўмга пластик карточкасида 408-94-11 ва 681-22-41 рақамларига пайнет пул ўтказмаларини ўтказтириб, 1.500.000 сўм нақд пулини алдаб қўлга киритиш ҳамда уяли телефон рақамларига "пайнет" хизматидан пул ўтказиш орқали ўзига билдирилган ишончни суиистеъмол қилиб, жабрланувчига жами 5.000.000 сўм миқдорда моддий зарар етказиб, такроран фирибгарлик жиноятини содир қилган.

У.Махмудова жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ўзганинг мулкини қўлга киритиб моддий манфаатдор бўлиш мақсадида «Кашпировский ва джуна биоэнергетика мактаби»да ўқиганлиги тўғрисида овоза тарқатиб, ўзи истиқомат қилиб келаётган Бухоро шаҳри "Алпомиш" кўчаси 5Б-уй 5-хонасида 2016 йил март-июль ойларида Қоровулбозор шаҳри "Геологлар" кўчаси 54-уйда яшовчи Хайитова Икбола Султоновнанинг ўзи ва оила аъзоларига "қора кучар" томонидан таъсир ўтказиб келинаётганлиги учун уни "илохий ҳимоясига олиши"ни айтиб ишончига кириб, ўзи томонидан



ўйлаб топилган илм билан изоҳланмайдиган «тумор билан даволаш ва ҳимояга олиш, сув билан даволаш, илоҳий нур таъсирида даволаш, баъзи бир жиҳозлар ёрдамида ҳаётга ҳавф солувчи инс-жинс, зиёнларни бартараф этиш, танани хар-хил иллатлардан поклаш ва танани тиклаш ва даволаш» каби усулларни қўллаш орқали уни самарасиз даволаб, ўз имкониятларини ошириб кўрсатиш орқали динга хос бўлмаган амаллар ва «муолажа»лари давомида баҳоси 10.000.000 сўмлик бриллиант кўзли аёллар узум шаклидаги комплект тилло тақинчоқларини, баҳоси 2.500.000 сўмлик фианит кўзли комплект тилло тақинчоқларини, баҳоси 600.000 сўмлик қизил кўзли аёллар узугини, баҳоси 500.000 сўмлик "электрическое мясорубка", 350.000 сўмга 1 бош кўй, 100.000 сўмга коса, тарелка, чойнак, лампочка, челак, кулф каби уй-рузгор буюмларини ҳамда 450.000 сўмга озик-овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини олдириб, 500.000 сўм нақд пулини алдаб қўлга киритиш орқали ўзига билдирилган ишончни суиистеъмол қилиб, жабрланувчига жами 15.000.000 сўм миқдорда моддий зарар етказиб, такроран фирибгарлик жиноятини содир қилган.

У.Махмудова жинойий ҳаракатларини давом эттириб, ўзганинг мулкани қўлга киритиб моддий манфаатдор бўлиш мақсадида «Кашпировский ва джуна биоэнергетика мактаби»да ўқиганлиги тўғрисида овоза тарқатиб, ўзи истиқомат қилиб келаётган Бухоро шаҳри "Алпомиш" кўчаси 5Б-уй 5-хонасида 2016 йил май-июль ойларида Шофиркон туман "С.Жура" маҳалла фуқаролар йиғини "Бобоато" қишлоғида яшовчи Болтаева Нозима Эрдоновнанинг ишончига кириб, ўзи томонидан ўйлаб топилган илм билан изоҳланмайдиган «тумор билан даволаш ва ҳимояга олиш, сув билан даволаш, илоҳий нур таъсирида даволаш, баъзи бир жиҳозлар ёрдамида ҳаёта ҳавф солувчи инс-жинс, зиёнларни бартараф этиш, танани хар-хил иллатлардан поклаш ва танани тиклаш ва даволаш» каби усулларни қўллаш орқали уни самарасиз даволаб, динга хос бўлмаган амаллар ва «муолажа»лар давомида нақд пул ва турли хил моддий қимматликдаги маҳсулотларни алдаб қўлга киритиш орқали ўзига билдирилган ишончни суиистеъмол қилиб, жабрланувчига жами 420.000 сўм миқдорида моддий зарар етказиб, такроран фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Судланувчи У.Махмудова кассация шикоятда, айбсизлиги ҳақида важлар келтириб, суд ҳукмини бекор қилиб, унинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги сабабли уни айбсиз деб топишни ва реабилитация қилишни сўраган.



Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси С.Ҳамроқуловнинг маърузасини, давлат айбловчиси Ҳ.Абдиевнинг шикоятни рад қилиш ҳамда ҳукми ўзгаришсиз қолдириш, судланувчи У.Махмудова ва адвокат А.Шамсиевнинг кассация шикоятини қувватлаб, шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган ҳужжатларни кассация шикояти билан биргаликда ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Кассация инстанциясида сўралган судланувчи У.Махмудова, у жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2017 йил 20 февралдаги ҳукмидан норози эканлигини, жабрланувчилар ўзаро тил бириктириб унга нисбатан туҳмат қилишганлигини, унга Аллоҳ томонидан шундай қобилият берилганлигини, мазкур жиноят ишидан сўнг унинг оиласи ундан юз ўгирганлигини, ушбу фуқароларни ўзлари унга рози бўлиб пул ва моддий қимматликлар берганлигини инobatга олиб, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўради.

Биринчи босқич суди судланувчи У.Махмудовага оид жиноят иши тафсилотларини тўғри аниқлаб, унинг айблилиги ҳақида асосли хулосага келган.

Судлов ҳайъати, гарчанд судланувчи У.Махмудова ўз айбига иқрор бўлмаса-да, унинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги, биринчи босқич судида сўралган жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, ариза, юзлаштириш баённомалари шунингдек жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати, судланувчи У.Махмудованинг шикоятдаги ва кассация инстанцияси суди мажлисидаги, мазкур ҳолат уйиштирилганлиги, жабрланувчилар ўзаро тил бириктириб унга нисбатан туҳмат қилишганлигини, ушбу фуқароларни ўзлари унга рози бўлиб пул ва моддий қимматликлар берганлиги ҳамда айбсизлиги ҳақидаги важларини жавобгарликдан қутилиш мақсадида ўйлаб топилган деб ҳисоблайди ва унинг ушбу важлари қуйидаги далиллар, судланувчи У.Махмудованинг ўзининг кўрсатмалари, жабрланувчилар М.Хайитова, С.Хайитова, И.Хайитова ҳамда Н.Болтаеваларнинг кўрсатмалари, судланувчи У.Махмудова ва жабрланувчилар ўртасидаги юзлаштириш баённомалари билан тўлиқ рад қилинади.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо одилona бўлиши, жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Судлов ҳайъати, биринчи босқич суди судланувчи У.Махмудованинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилиб, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорида белгиланган раҳбарий тушунтиришларга риоя этган ҳолда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, оилавий ва моддий шароитини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда жарима жазоси тайинлаш ҳақида асосли хулосага келиб, шахсига мос ва қилмишига яраша, адолатли жазо тайинлаган деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, судлов ҳайъати, жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд жараёнлари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабларига риоя этилган ҳолда олиб борилган, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиб, уларга ҳуқуқий баҳо берилган деб ҳисоблайди.

Шу боис, судлов ҳайъати, биринчи босқич судининг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун ишда асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509⁹⁻¹⁰-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:



Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2017 йил 20 февраль кунидаги Махмудова Умида Ашуровнага нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, келтирилган кассация шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози томонлар Бухоро вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:

Н.Жураев

Ҳайъат аъзолари:

Ш.Тўхтаев

С.Ҳамроқулов

Маърузачи: Ҳамроқулов Сухроб Қурбонович



Ҳужжат имзоланган: Ҳамроқулов Сухроб Қурбонович, 08.08.2024

